УзССР Давлат китоб палатаси
Государственная книжная палата УзССР

Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

# Туркистон

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1998 йил 13 июнь шанба.
№ 45 (144138)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОЙИШИ

***Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва аҳоли саломатлигини яхшилаш, соғлом авлодни тарбиялаш, соғлиқни сақлаш тизимини Ватанимиздаги ҳамда халқаро ижобий тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда амалга оширилаётган туб иқтисодий ва демократик ўзгаришларга мувофиқ тарзда ташкил этиш мақсадида:***

1. Узбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурини ишлаб чиқиш зарур, деб топилсин ҳамда уни амалга ошириш республика ижтимоий тараққиётининг устувор вазифаси, деб белгилансин.

2. Давлат дастурини ишлаб чиқиш учун иловага мувофиқ Республика комиссияси тузилсин.

Комиссия:

соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури лойиҳасини 1998 йил 1 октябрга қадар ишлаб чиқсин ва кўриб чиқиш учун Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин;

заруратга кўра, мамлакатимиз ва хориждаги юқори малакали мутахассисларни, илмий ва тиббий жамоатчиликнинг етакчи вакилларини жалб этган ҳолда ишчи гуруҳларини тузсин.

3. Давлат дастурини ишлаб чиқишда қуйидагилар назарда тутилсин:

Узбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимининг аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга имкон берадиган, соғлиқни сақлашни ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни тубдан ўзгартиришни таъминлайдиган Миллий моделини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

тиббиёт ходимларининг самарали меҳнатини рағбатлантириш, уларнинг истеъдоди ва шахсий қобилиятларининг муносиб тақдирланиши ҳамда тегишли ҳақ тўланиши учун зарур шарт-шароит яратиш;

тиббиёт ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш сифатини Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур талабларига мувофиқ равишда таъминлаш, соғлиқни сақлаш соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотларни ривожлантириш;

соғлиқни сақлаш тизимини хусусийлаштириш соҳасидаги давлат сиёсатини нодавлат сектор ва хусусий амалиётни ривожлантиришни ҳисобга олган ҳолда белгилаш, шунингдек, республиканинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти хусусиятларига мос келадиган тиббий суғурта тизимини жорий этиш;

соғлиқни сақлаш тизимини моддий, илмий-техникавий ҳамда ахборот жиҳатидан таъминлашни янги сифат босқичига кўтариш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, соғлиқни сақлаш ва тиббиёт фани соҳасига хорижий инвестицияларни жалб этиш;

жисмоний тарбия-соғломлаштириш, оммавий спорт ҳаракати ҳамда профилактик соғлиқни сақлашни интеграциялаш.

4. Ушбу фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири У.Султонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1998 йил 12 июнь



*Хонободлик чемпионлар* (8-саҳифага қаранг)

## "Туркистон" шарҳи

### Собит Сиёсат Самараси

***Туркийзабон мамлакатлар давлат раҳбарларининг Қозоғистоннинг янги пойтахти -- Остона шаҳрида 9 июнь куни бўлиб ўтган навбатдаги саммити Жанубий Осиёда ўтказилган ядро синовлари баҳси оқибатида халқаро ҳамжамиятнинг барқарор ва хавфсиз дунёни қуриш йўлидаги саъй-ҳаракатларига жиддий раҳна солинган ташвишли бир даврга тўғри келди.***

Бутун жаҳонни хавотирга солиб турган бу мушкул муаммо, табиийки, ядро портлатишларини амалга оширган мамлакатларга яқин минтақадаги давлатлар раҳбарлари анжумани эътиборидан четда қолмади.

Шу маънода Йўлбошчимиз ўз нутқида ушбу олий даражадаги учрашув иштирокчилари эътиборини тарихимизнинг учинчи минг йиллиги арафасида барчани ташвишга солаётган энг муҳим муаммоларга қаратар экан, жумладан, Жанубий Осиёда ядро қуролига эга бўлишга интилаётган давлатлар тобора кўпайиши билан боғлиқ хатардан кўз юмиш мумкин эмаслигини алоҳида таъкидлаганини диққатга лойиқдир.

Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ташаббусига биноан, туркийзабон давлатлар бошлиқларининг бешинчи учрашуви иштирокчилари Ҳиндистон ва Покистонда ўтказилган ядро қуроли синовларидан ниҳоятда ташвишга тушганликларининг изҳори сифатида Қўшма Баёнот қабул қилдилар.

Қўшма Баёнотда қайд этилганидек, Жанубий Осиёнинг икки мамлакати томонидан амалга оширилган синовлар «минтақавий ва оламшумул барқарорлик ҳамда хавфсизликка жиддий зарар етказади, ядровий қуролланиш пойгасини авж олдиради». Баёнотни имзолаган томонлар бу синовлар, шунингдек, давлатларимизнинг ядро қуролини тарқатмаслик йўлида олиб бораётган сиёсатига ҳам зид эканини таъкидлаб, Ҳиндистон ва Покистонни вазминлик ҳамда масъулият кўрсатишга даъват этдилар.

(Давоми 2-саҳифада)

## ЮРТИМИЗДА

**Президент Ислом Каримов 11 июнь куни Япониянинг "Номура Секьюритиз Ко" компанияси раиси Масаши Судзукини қабул қилди.**

* * *

*Наманганда "Ўзбекистон қўшиқ байрами" кўрик-танловининг якунловчи босқичи бўлди. Унда олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимидаги 40 дан зиёд ўқув юртларининг энг сара бадиий ҳаваскорлик жамоалари вакиллари иштирок этди.*

*Бугун Наманган шаҳрида кўрик-танлов ғолиблари ва иштирокчиларининг катта концерти бўлади.*

* * *

**Германия давлатининг Польхайм шаҳрида 3-Жаҳон ҳаваскор хор жамоаларининг фестивали бўлиб ўтди.**

**Жаҳоннинг 17 та давлатларидан келган 48 та ҳаваскорлик хор жамоалари қатнашган бу фестивалда Республикамиз номидан Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университети ҳаваскорлик хори жамоаси қатнашди.**

**Улар ижро этган "Ўзбекистон" қўшиғи эса фестивалдаги энг юқори балларни қўлга киритиб, 2-ўринни эгаллади.**

## МАРКАЗИЙ ОСИЁДА

БИШКЕК. ***Қирғизистон пойтахти марказида қад ростлаган Владимир Ульянов (Ленин) ҳайкали ниҳоят шаҳардан четроққа "бадарға" қилинадиган бўлди. Аслида бир неча йилдан буён жамоатчилик мустабид тузум "доҳий"си ҳайкали масаласида баҳсу мунозаралар юритар, шаҳар раҳбарлари эса уни кўчиришга журъат эта олмас эди.***

***Бу ерда яна фуқаролар уруши саркардаси Фрунзенинг ҳам ҳайкали ҳозирча савлат тўкиб турибди.***




## ХОРИЖДА

***Жаҳон озиқ-овқат дастури ходимлари Афғонистоннинг Хазаражат вилоятига 600 тонна буғдойни етказиб бердилар. Мазкур дастурнинг ҳудудий миссияси раҳбари Анис Ҳайдарнинг айтишича, ушбу ёрдам икки ойгагина етиши мумкин.***

***Улар толиблар учун ҳам 110 тонна озиқ-овқат ажратган. Чунки толибон ҳаракати вакиллари шундай шарт билангина афғон халқига инсонпарварлик ёрдамини ўтказиб юборишга кўнган эдилар.***

* * *

БМТ Бош котиби Кофи Аннан Покистон ва Ҳиндистон ҳукуматининг мамлакатда ядро қуроли синовлари ўтказилишига мораторий эълон қилганини олқишлади. Бу икки давлат ядро қуроли синовларини буткул таъқиқлаб қўювчи Битимга ҳам имзо чекишларига умид билдирди.

* * *

***Индонезия ҳукумати Шарқий Тимор қамоқхонасидан 15 нафар сиёсий маҳбусни озодликка чиқарди. Лекин намойишчилар бу билангина чегараланиб қолмай, қамоқхонадаги яна 100га яқин маҳбусларни ҳам озодликка чиқаришни талаб қилмоқдалар. Индонезиядаги вазият айни пайтда Халқаро ҳамжамиятни ҳам ташвишлантирмоқда. Индонезия Президенти Ҳабибий эса бўлажак парламент сайловлари келаси йилнинг 22 декабрида ўтказилишини эълон қилди.***

**"Туркистон", ЎзА ва хориж матбуоти мухбирлари материалларидан.**

*Мен Ватанга нима бердим?*

# ҲАҚИҚАТГА АЙЛАНГАН ОРЗУ

**Юртимиз ўз истиқлолини қўлга киритганига ҳам етти йил тўлмоқда. Бундан етти йил илгари ўқишга кирган ёшлар бугун Ватанимиз халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилишмоқда. Ўз изланишлари, ижодлари, муваффақиятлари билан мустақиллигимизни мустаҳкамлашга баҳоли қудрат ҳисса қўшаяптилар. Шундай тиниб-тинчимас, фидойи ёшлардан бири 1-Тошкент Давлат тиббиёт институтининг аспиранти Шаҳло Маҳкамовадир. У -- Ўзбекистон Президентининг аспирантлар учун таъсис этган давлат стипендияси совриндори. ''Даволаш'' факультетини имтиёзли диплом билан якунлаган. Ўша институтда ҳамда Москва ''Кўз микрохирургияси'' илмий-техника мажмуасида клиник ординатура бўйича тажриба ўтаган.**

--Сўнгги йилларда шуғулланган энг йирик илмий ишим, -- дейди Шаҳло, -- ''Олдинги радиал дозаланган кератотомия операцияси натижасини мукаммаллаштириш усулларини ишлаб чиқиш'' мавзуидаги диссертациямдир. Унинг моҳияти нимадан иборат? Маълумки, яқиндан кўриш, яъни миопия хасталиги аксарият одамларда ва айниқса ёшларда кўп учрайди. Илгарилари бу касаллика чалинган қанчадан-қанча беморлар овора-сарсонгарчиликлар, қийинчиликлар билан Москва, Санкт-Петербург сингари шаҳарларига бориб кўзларини операция қилдиришга мажбур бўлишарди.

1991 йилдан бошлаб юқорида номи зикр этилган илмий ишим асосида ''кератотомия'' деб аталмиш ушбу операцияни илк бор ўз юртимизда қўллай бошладик. Оғриқни камайтиришда эса магнитдан фойдаландик. Бу эса ўз самарасини берди. Операциядан сўнг кўзнинг хиралашиш жараёни мутлоқ тўхтагач, кўзойнакка зарурат қолмайди. Бу соҳада менга академик Комилжон Зуфаров ҳамда профессор Акром Йўлдошевлар яқиндан кўмаклашишди. Илмий раҳбарим тиббиёт фанлари номзоди Алишер Худойбердиевнинг қимматли маслаҳатлари ҳам бу мураккаб юмушда жуда асқотди.

Умуман олганда, кўз шоҳ пардасини қисман кесиб қилинадиган ушбу операция билан россиялик машҳур кўз жарроҳлиги шифокори Святослав Фёдоров 20 йилдан буён шуғулланади. Унинг натижалари ҳам яхши. Биз эса операциядан олдин беморнинг ҳолати ҳақидаги маълумотни компьютерга соламиз, ўрганиб чиқамиз. Операциянинг муваффақиятли чиқишида бу муҳим омил саналади.

Ёш шифокор, тиришқоқ олима Шаҳло Маҳкамованинг илмий тадқиқотлари ҳозир хорижлик тиббиёт мутахассисларида ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Истиқлолга, Ватанига, халқига бўлган меҳр-муҳаббати тинимсиз изланишларида, яратувчанлигида акс этган бу истеъдод соҳибига яна янги зафарлар ёр бўлсин деймиз!

**Назокат УСМОНОВА**



**''Халқлар Дўстлиги'' шоҳ кўчасидаги ''Тошкент Лада'' ҳиссадорлик жамиятига қарашли дўконда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган замонавий автомашиналарни харид қилишингиз мумкин.**

**Сураткаш: А.ГЕРАСИМОВ**

# СОБИТ СИЁСАТ САМАРАСИ

(Аввали.1-бетда)

Кези келганда айтиш жоизки, Баёнот мазкур давлатларни бундан кейин ядро синовларини ўтказмасликка даъват этиб, Ўзбекистон ҳукумати ташаббуси билан қабул қилинган учинчи ҳужжатдир. Маълумки, Ўзбекистон илгари ҳам Ҳиндистонда, сўнг Покистонда ядро синовлари ўтказилганлиги муносабати билан баёнотлар берган эди.

Президент Ислом Каримов сиймосида Ўзбекистоннинг ана шу жабҳадаги изчил саъй-ҳаракатлари, хусусан, жаҳон ҳамжамиятининг бу борадаги сиёсатини тезкорлик ҳамда собитлик билан қўллаб-қувватлашлари ва умуман, дунё жамоатчилигининг глобал хавфсизлик йўлидаги қатъий интилишлари, албатта, бежиз кетмади.

Сўнгги хабарларга қараганда, Покистон келгусида ядро синовлари ўтказишни бир томонлама тўхтатганлиги тўғрисида баёнот берган. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бу мамлакатнинг ядро синови ўтказишни бир томонлама тўхтатишга қарор қилганлигини юксак баҳолади. Бу ҳақда БМТ маъмурияти раҳбарининг матбуот котиби Фред Экхард пайшанба куни бўлиб ўтган брифингда маълум қилди.

БМТ Бош котиби Кофи Аннаннинг фикрича, Ҳиндистон ҳукуматининг ядровий синовларни ўтказишдан тийилиб туришга тайёрлиги ҳақидаги баёнотини ҳам ҳисобга олганда, Жанубий Осиёда бундай синовларни ўтказишни де-факто, яъни амалда тўхтатиб туришга муваффақ бўлинди. Айни пайтда, Бош котиб келгусида ҳар икки давлат Ядро қуроли синовларини бутунлай таъқиқлаб қўйиш ҳақидаги шартномага қўшилиш учун зарур одимлар қўйишига умид билдирган.

Аммо Жанубий Осиёдан тарқалган дастлабки бундай умидбахш хабарлар АҚШда нашр этиладиган ''Буллетин оф атомик сайентистс'' журнали таҳририяти кенгашининг хавотирларига эм бўла олмади. Худди шу пайшанба куни мазкур кенгаш журнал муқовасидаги рамзий соат милларини беш дақиқа илгари суриш, демакки, ''Ядровий тун''га янада яқинлаштириш ҳақида қарор қабул қилди. Эндиликда журнал саҳифасидаги ушбу соат миллари 23.51 ни кўрсатиб туради. Яъни, даҳшатли фурсатгача жуда оз вақт, атиги тўққиз дақиқа қолган, дейилмоқчи.

Чикаго Университети томонидан чоп этиладиган бу журналда рамзий соат тасвири илк марта 1947 йилда пайдо бўлган ва бугунги кунда кўпчиликнинг эътиборига тушиб улгурган. Унинг миллари дунёнинг ядро хавфига яқин келиши ёки узоқлашишига қараб, йиллар давомида орқага, ё олдинга суриб турилади. Айтайлик, 1953 йилда АҚШда водород бомбаси синаб кўрилганда, соат миллари ярим тунга жуда яқинлашиб қолган, яъни 23.58 дақиқани кўрсатган эди. Ҳозирги кунгача соат миллари 13 марта ўзгартирилган.

Мазкур рамзий соат миллари бу гал Ҳиндистон ва Покистонда амалга оширилган кетма-кет ядро синовларидан ташвишланишнинг ўзига хос изҳори сифатида илгари сурилганлигини қайд этиш лозим.

Шунинг баробарида, жума куни катта ''саккизлик'' давлатлари ташқи ишлар вазирларининг Лондондаги учрашувида ҳам асосий эътибор Косово муаммоси билан бир қаторда, Жанубий Осиёдаги ядро синовлари билан боғлиқ танглик муҳокамасига қаратилди. Бу эса Ҳиндистон ва Покистон ўртасидаги ядро синовлари масаласи жаҳон ҳамжамиятининг диққат марказида турганлигидан яна бир карра далолатдир. Шубҳасизки, туркийзабон давлатлар раҳбарларининг Остона шаҳрида қабул қилган Қўшма Баёноти ҳам ана шу жаҳон миқёсидаги жараёнда ўзига хос аҳамият касб этади.

**Ғулом МИРЗО,**
**халқаро шарҳловчи**

*Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги олдидан*

# НОЁБ МАНБА ТОПИЛДИ

Ҳадис илмининг султони Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги муносабати билан ҳазрат ҳаёти ва илмий фаолиятини ўрганиш, асарларини тарғиб қилиш борасидаги ишлар кенг миқёсда давом этмоқда. Вилоят ҳокимининг ташаббуси билан ташкил этилган «Имом ал-Бухорий» халқаро хайрия жамғармаси бу ишларни уюштиришга алоҳида эътибор қаратаётганлиги ўз самарасини бераётир. Яқинда Қушработ туманидан Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий қаламига мансуб ҳадисшуносликка оид ноёб китоб топилганлиги ана шу саъй–ҳаракат маҳсули дейиш мумкин.

Маълумотларга қараганда, мазкур нодир асар «Саҳиҳи Бухорий»нинг ўзига хос такрорланмас намунаси экан. У тахминан икки юз йил олдин Қоҳирада кўчирилиб олиб келинган. Китоб жилди чарм билан қопланган. Хонадон соҳибининг таъкидлашича, муътабар манба унинг бобосининг бобосига Бухородаги диний мадрасада намунали ўқигани учун мукофот сифатида тақдим этилган экан. Айни пайтда мутахассислар бу тупламни катта қизиқиш билан ўрганмоқда.

**Ҳамза ШУКУРОВ,**
**ЎзА мухбири**

# ЁШЛАР НАМОЙИШ ЭТАДИ

Ўзбекистон Бадиий академияси кўргазмалар залида очилган «Ёшлар намойиш этади» кўргазмаси томошабинларда катта қизиқиш уйғотди. Бу ерда мамлакатимиз ёш рассомларининг тасвирий ва амалий санъат, дизайн бўйича уч юзга яқин асари намойиш этилди.

Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтида Республика «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси ҳам таъсисчиси бўлган ана шу кўргазма якунларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Т.Қўзиев, «Тасвирий ойина» бадиий уюшмасининг раҳбари И.Латипов, Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти ректори Н.Ойдинов, бадиий академия ёш ижодкорлар бирлашмаси бошлиғи, академик А.Нуриддинов ва бошқалар сўзга чиқиб, мамлакатимизда иқтидорли ёшларнинг камол топишига муҳим эътибор берилаётгани туфайли тасвирий санъатга талантли ёшлар кириб келаётганлигини таъкидладилар. Ёш ижодкорлар кўргазмаси бунинг яққол далилидир.

Кўргазмада қатнашган ижодкор ёшларнинг энг яхши ишлари муносиб баҳоланди. Уларнинг муаллифлари Бадиий Академия ва республика «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси диплом ва совғалари билан мукофотланди. Тошкентлик миниатюра рассоми Шуҳрат Зоиров, заргар-рассом Анел Улумбекова, ранг—тасвирчи рассом Тоҳир Каримов, сирдарёлик китоб графикаси рассоми Баҳодир Бобоназаров шундай мукофотга сазовор бўлди.

**Бахтиёр МАНСУРОВ,**
**ЎзА мухбири**

*Ўйғоқ сўз*

# ЛАҲЗАЛАРДА ЯШАР МЎЪЖИЗА

**Суҳбатимиз шундай кечди:**

**-- Бизда ҳамма нарса қиммат,- деди у.**

**-- Вақт-чи?- дедим мен.**

**У "билмадим" дегандек елкасини қисди. Мен унга тушунтира бошладим. "Вақтнинг қадрига етмаётганимиз учун ҳам балки яшаш қийинроқ кечаётгандир. Агар ўзимизни англаб, ҳаёт кенгликларига ақл кўзи билан назар ташласак борми, борар йўлларимизда бизни тенгсиз мўъжизалар кутаётганини кўра олган бўлардик. Аслида ўтаётган кунларимизнинг ҳар лаҳзаси бебаҳо. Бироқ, биз бу лаҳзаларни жуда арзонга бой бериб қўймаяпмизми?!"**

**Ҳаёт -- мактаб. Вақт -- учқур от. Яшамоқ -- тириклик инъикоси. Имконлар-чи? Имконлар эса ўзимизни кашф этишнинг ягона йўлидир. "Ҳаётнинг осон ўтишини истасанг учта қоидага амал қил,"- дейилади қадимий ўгитларда. "Тўғри яша. Бекорчи ўйлардан сақлан. Вақтингни беҳуда ўтказма!"**

***

Эски қўлёзмаларимни кўздан кечираётиб, шундай сатрларни ўқидим:

**Умр дарахтидан япроқ узилди,**
**Дайди шамол уни қилди чирпирак.**
**Айтгил, қай онингни бердинг шамолга,**
**Қувончми, аламми, ўкинчми ё бахт!?**

Қай йилларда ёзган эканман бу сўзларни? Нима сабабдан? Нима бўлганда ҳам мен ўшанда умр ичида вақтнинг нақадар қимматли эканини тўғри англаган эканман. Назаримда, шуни англаб етишнинг ўзи ҳам кишини ҳушёр торттиради. Уни эртанги кунга онгли равишда қадам қўймоқликка ундайди...

Гоҳо ўз соҳасида фаолроқ ҳаракатда бўлаётганлар тақдири кўпчиликни қизиқтиради. Ҳатто уларга: "Ютуқларингиз сири нимада? Ахир фақат ўз ташвишидан ортмайдиганлар ҳам бор. Сиз эса ҳаммасига қандай улгурасиз?" деб савол берадилар. "Турмуш ўртоғим мени тушунади. Уй ишларида ёрдамлашади" дейди улардан бири. "Болаларимни мустақилликка ўргатганман, мени ортиқча қийнашмайди" дейди яна бири. Бошқа бирови эса эса "Кам ухлаб, кўп ишлайман" деган сўзларни айтади. Аслида буларнинг ҳаммаси нисбий жавоблар. Асосийси , "юк" фаол ҳаракат эгасининг зиммасида. Буни биргина сўз билан изоҳлаш мумкин: у вақтдан унумли фойдалана олади!

Яқинда танишларимдан бири менга: "Сиз уйда қозон-чўмични ҳам йиғиштириб қўйиб, куннузун ёзадигандексиз, назаримда" деди. Негадир бу гап юрагимга оғир ботди. Ўзимни ҳақоратлангандек сездим. Чунки мен "Ҳар бир киши жамият ва оила олдидаги ўз бурчларини теран тушуниши, бу бурчларни ҳалол уддалашга доимо вақт ажратиши зарур" деган муқим фикрда юраман. Ўзим ҳам шунга риоя қиламан. Демоқчи бўлганим, ҳар қандай фаол ҳаракат замирида битта ҳақиқат мавжуд. У ҳам бўлса, Имконларни Вақт Мезонида тўғри ўлчай билишдир!

***

Бир куни қишлоқдан келган жиянимдан "Қандай яшаяпсизлар?" деб сўрадим. "Ёмон эмас,- деди у. -- Катталарнинг ҳаммаси томорқа иши билан банд..."

-- Ёшлар-чи?

-- Уларга иш йўқ. Юки енгилроқлари бекор юришибди. Оила қурганлари иш ахтариб шаҳарга кетишган.

Ўйланиб қолдим. Бугунги кунда қишлоқларимизда ечимини кутаётган муаммолар жуда кўп. Бўш ётган ерларга ишлов бериб, мўл ҳосил етиштириш, инвестицияни жорий этиш, мева шарбатлари, сабзавот консервалари тайёрловчи кичик-кичик цехлар очиш, қишлоқ ҳаётига компьютерни олиб кириш... Бу сингари юмушларнинг ҳаммасини ёшлар ўз қўлларига олишлари зарур.

Жаҳонда 60 миллион "Интернет" аъзоси мавжуд,- дея хабар беради газеталар. -- Шундан 40 миллиони америкаликлар ихтиёрида. Америка ёшлари ўзларига китоб, таомлар, кийим-кечак, сайргоҳлар танлашга вақт сарфлашмаскан. Булар учун "ақлли" машиналар тугмаси босилса кифоя. Муҳими, шу сингари кундалик эҳтиёжларга кетадиган вақтни улар жиддийроқ режаларни амалга ошириш учун сарфлашади! Шундай экан, нега бизнинг ёшларимиз ҳам замонавий илмларни тезроқ ўзлаштириб, ҳар соҳани компьютерлаштиришлари мумкин эмас? Албатта, мумкин. Агар куй астойдил истаса, жамики мўъжизаларни яратишга ўзида куч-қувват топа олади. Олимларнинг аниқлашича, навқирон ёшдаги инсон миясининг оғирлиги 1500 граммга яқин экан. Унда 15 миллиард ақл ҳужайраси бор. Бу ақл ҳужайралари бир квадральон ахборотни қабул қилиш ва сақлаш имконига эга. Инсон бу имкониятларнинг ўндан бир қисмидангина фойдаланмоқда, холос. Бордию, унинг ярмини ишга солса, киши 40 та чет тилини пухта ўрганиши ва 15 жилдли Қомусни тўла ўзлаштириб олиши мумкин бўларкан!

***

Юнонистоннинг машҳур файласуфи Фалес осмондаги юлдузларга қараб кетаётиб, қоқилиб кетибди. Уни кузатиб турган бир гуруҳ кишилар кулиб юборибдилар. Шунда файласуф уларга дебди: "Сизлар ҳеч қачон чуқурга қоқилиб йиқилмайсизлар. Чунки, сиз ҳеч вақт осмонга, юлдузларга, юксакликка назар ташламайсиз, оёғингиз тагидан нарини кўрмайсизлар..."

Мен бу ривоятни нега эсладим? Негаки, тирикчилик ташвишлари билан ўралашиб, жамият олдидаги бурчларини унутаёзган, фақат бугунни ўйлаб кун кечираётганлар орамизда кўп. Шаҳар кўчаларида, метронинг ички йўлакларида қатор тизилишиб турган йигитларни кўп учратамиз. Бўйинларига осиб олган картонларга телевизорни таъмирлаш, тикув машинаси сотиб олиш каби турли эълонлар ёзиб қўйилган. Айримлари эса кун бўйи йўловчиларни бирма-бир тўхтатиб, ишга таклиф қоғозлари узатишади. Уларни кўриб, беихтиёр ташвишга тушасан, киши. Бирор газетанинг бурчагига жойласа бўладиган шу билдирувлар учун эртадан кечгача бир жойда қотиб тургандан кўра, бирор юмушнинг бошини тутишса бўлмасмикин?! Арзимаган нарсалар учун сарфланаётган вақт эртанги кун учун нима келтиради? Келажак биздан нимани кутяпти? Биз келажакка нима берамиз? Ҳеч бўлмаганда, оила аъзоларимиз, теварак-атрофимиздагилар учун қандай киши эканимизни, уларнинг ҳурматини қозониш йўлида нималар қилаётганимиз ҳақида бир ўйлаб кўрайлик. Улуғлар бежизга айтишмаган: "Ёшлик -- инсон ҳаётининг сўнгги йиллари учун уруғ қадаладиган баҳор палласидир!"

***

**Азалдан қолган шундай ривоят бор. Эл орасида ном чиқарган бир куйчига душманлари туҳмат уюштиришибди. Подшоҳ уни ўлимга ҳукм қилибди. "Ҳамма билан видолаш, эрталаб сени қатл этишади" дейишибди унга. Машшоқ ўзининг севимли ижодхонасига кириб кетибди. Подшоҳ аъёнлари ярим тунда қарашса, бу уйнинг чироғи ҳалиям ёниқ. Тонгга яқин улар куйчининг эшигини чертишибди. "Сен ўлимингни кутиб жимгина ётиш ўрнига туни билан не юмуш қилдинг?" деб сўрашибди ундан. "Мен умримнинг сўнгги лаҳзалариниям бекор ўтказишни истамадим,- дебди шунда куйчи. -- Бугун тонггача бир куй яратдим. Токи одамлар шу куйни эшитиб мени эслаб юргайлар..."**

**Вақт жадал илгарилайди. Вақт етовида ҳаётимиз ҳам ўтиб бораверади. "Биз умрни қандай ўтказяпмиз?" деган улкан савол теграсида баъзан бой берилган лаҳзалар, имкониятларимиз гирён айланади. Шунда бир тўхтамга келамиз: Нега энди буюк ҳакам -- Вақт олдида узримизни тезроқ айтиб, ҳар лаҳзада мўъжизалар яратмоққа чоғланмаймиз? Нега? Ҳалиям бўлса ,шунга уринайлик. Эзгуликнинг кечи йўқ.**

**Гулчеҳра ЖАМИЛОВА**

# ЭШНИЁЗЛАР ФОЖЕАСИ

*(Ш.Холмирзаевнинг "Эссиз Эшниёз" қиссасини ўқиб)*

Шукур Холмирзаев эл севган адиб, элини севган адиб. У ўзбекнинг бошидан не кунлар ўтган бўлса, ҳаммасини очиқ-ойдин ёзишга ҳаракат қилади. Шунинг учунда унинг асарлари қўлма-қўл бўлади. Адибнинг "Эссиз Эшниёз" қиссасида 1917 йил инқилоби туфайли юзага келган шўро ҳукуматининг халқни қанчалик алдагани, саробга айланган орзулар ҳақидаги ҳақиқатни ёзади. Асарнинг бош қаҳрамони Эшниёз бўлиб, у оддий хизматкорлардан бири Юнус обкашнинг оиласида дунёга келади. Элга мард, ростгўйлиги билан танилади, шўрочи руслар Бойсунга бостириб киришганда бошқалар қатори юрт мустақиллиги учун курашга отланади. Халқнинг уюшмаганлиги туфайли истиқлолчилар енгилиб асир олинади. Эшниёз ҳам шулар қатори қўлга олиниб, Фавқулодда Комиссия -- ЧК раиси Гейзер томонидан сўроқ қилинади. Эшниёз Гейзернинг "Шўро ҳукумати камбағалларнинг ёнини олади-ку?" деган гапига ишониб шўрочилар томонига ўтади. Ҳукуматнинг барча топшириқларини бекаму кўст бажаради. Ўзининг алданганини тушунмайди. У дастлаб оддийгина оқсоқол бўлса, шўро даврида командир этиб сайланади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам унинг қалбини адолат, ҳалоллик тарк этмайди, ахлоқсизлик эса руҳига бегона. Шундан Дуоба қишлоғидагилар унга ҳурмат билан қарашади, ҳар қандай ҳолатда ҳам шўро катталарига эмас, командир Эшниёзга мурожаат қилишади. Бу эса ГПУ раиси Никкель, Зиё Оғаевларга ёқмайди. Уни Бойсунлик Саломбек, Хуррамбек, Тангриберди додҳо, Ҳайиткал, Раҳмонбек, Эрмонбой каби миллий озодлик курашчиларининг енгилишига асосий сабабчи бўлган, эвазига "Қизил байроқ" ордени билан мукофотланган, шўро ҳукуматининг "халқпарвар" лигига, "адолат" билан иш тутишига ишониб, унга садоқат билан хизмат қилган Эшниёз устидан уни йўқотиш учун маълумот тўплашади. Уларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли Эшниёзнинг тақдири қуйидагича интиқом топади:



"1930 йили, Эшниёз -- халқ душмани экан" деган гап тарқалади. Эшниёз Магаданга сургун қилинади, ўша ерда ўлади.

Тарихий ҳужжатлардан маълумки, Эшниёз каби шўро давлатига хизмат қилганлардан кўпчилигининг тақдири шундай интиқом топган.

Қисса соф бадиий асар эмас. Тарихий воқеалар бадиийлаштирилган ҳужжатли асардир. Ёзувчи унда шўро давлати, раҳбарларнинг кирдикорлари, уларнинг қиёфасини ҳаққоний тасвирлаб, Бойсун табиати, ундаги одамларнинг ўзига хос характерини ишонарли акс эттириб бера олган. Натижада асарнинг ўқимишли чиқиши таъминланган, ҳужжатлилигидан кўра бадиийлигини оширган. Бу эса Шукур Холмирзаевнинг истеъдодли ёзувчи эканлигини кўрсатади.

**Муҳайё ҲАМИДОВА,**
**ЎзФА аспиранти**

## Ахборот

### ҚЎШИҚЛАР БАЙРАМИ

Навоийда анъанавий қўшиқлар байрами вилоят босқичи якунланди.

Саҳнада санъатини дилдан ардоқлаган иштирокчилар ижросида Ватанни мадҳ этувчи, халқини эъзозловчи ёшликнинг жўшқин овози жаранглади. Навоий шаҳар "Фарҳод" маданият саройи қошидаги "Карвон" вокал-чолғу эстрада жамоаси 1-ўринни, Қизилқумцемент ишлаб чиқариш бирлашмаси қошидаги "Цементчи" бадиий жамоаси хонандалари Турсуной Рўзиметова, Отабек Исматовлар 2-ўринни эгаллашди.

Ғолиблар республикада ўтказиладиган "Қўшиқлар байрами"га йўлланма олишди.

**М.БОБОМУРОДОВА,**
**"Туркистон" мухбири**

### ИШЛИ БЎЛИШДИ

"Камолот" жамғармаси, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш Юқори Чирчиқ туман бўлимлари ҳамкорликда меҳнат бозорини ташкил этди.

Унда тумандаги корхона, ташкилот, муассаса ва жамоа ҳўжалиги вакиллари иштирокчи бўлишди.

Ўша куни 30 нафар ёшлар туман "Пиллакор" ҳиссадорлик жамиятига, 20 нафари эса туман марказий шифохоналарига ишга кириш учун йўлланма олди. Жами 62 нафар киши иш жойи билан таъминланди. 18 та қизга эса қандолатчилик касб-ҳунарини ўрганиш учун ўқишга йўлланма берилди.

**М. ЛАТИПОВ**

# У НИМА? У...

Порахўрлик... Биз бу ҳақда илк бор сўз очаётганимиз йўқ. Матбуотда таъмагирлик, порахўрлик ҳақида бугунгача ҳам кўп бор ташвишли бонг уриб келинди. Лекин, афсус, ҳамон яшаб келаётир. ''Олиш-у'' ''бериш''лар билан иш битириш ҳали-ҳануз мавжуд...

Порахўрлик, таъмагирлик бошқа қатор иллатлар билан занжир мисол боғланиб кетган... Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг Қашқадарё вилояти кенгаши сессиясида сўзлаган нутқларини эсга олсак. Икки ярим йил ичида вилоятда таниш-билишчилик, муросасозлик оқибатида жуда кўплаб соҳа раҳбарлари алмашган... Таниш-билишчилик бор жойда эса албатта, порахўрликка ҳам йўл очилиши табиий... Пора тиқиштириб, ошна-оғайничилик қилиб, амал курсига ўтирганлардан давлат, халқ нимани кутиши мумкин? Пора бериб, амалдор бўлганлар ''йўқотганини'' тезроқ бир неча баробар қилиб топишга, вақтинчалик лавозим имкониятларидан фойдаланиб қолишга уринади. Ҳалиги порахўр ''акахон''нинг эса нафси янада ҳакалак отади... Бундайлар элу юрт фаровонлиги, мамлакат тараққиёти учун, порлоқ келажак учун меҳнат қилиш соҳасида жуда чиройли ибораларни топиб гапирадилару, амалда эса...

**МУЗАФФАР, талаба:** -- Назаримда, порахўрликнинг пайдо бўлиши-ю, авж олиб кетишига одамларнинг ўзлари айбдор. Кўпчилик ишини тез ва осон битказиш учун ўзи пора таклиф қилади. Ҳалол меҳнат, тиришқоқлик билан мақсадга эришишни ҳаммамиз ҳам хуш кўравермаймиз. Мен институтда беш йил ўқиб, бирор домланинг орқасидан ялиниб юрганим йўқ, ҳеч кимга бирор нарса беришга ҳам мажбур бўлмаганман... Билимингиз, интилишингиз яхши бўлса, ҳар қайси домла ҳам сизни ҳурмат қилади... Лекин, сиртқида ўқийдиганларнинг айримларидан эшитиб қоламан: улар уйга бериб юборилган топшириқни тайёрлаб келиш ўрнига, чўнтак тўла пул билан келишади-да, пора бериб, баҳо олиш пайида юришади... Бундан улар нима ютишади, тушунмайман...

**Биз бир тадбиркор жаноб билан ҳам жамиятимиздаги иллатлардан бири бўлмиш порахўрлик ҳақида суҳбатлашдик. У киши андак қизишиб шундай деди:**

**-- Э, қўйсангларчи, ёзишга бошқа мавзу йўқми... Барибир ҳеч нарсани ўзгартиролмайсизлар. Шундоғам, бу ҳақда кўп ёзишди. Шахсан мен ҳозир ўқув даргоҳларида вазият қандайлигини билмадиму, лекин ўз ҳаётимда бу ҳолатга кўп дуч келаман. Ишим олдинга силжисин, ''синиб'' қолмай десангиз мажбурсиз-да, ''бериш''га... ''Ҳуррият'' деган газетада бир касбдош дўстимизнинг ''Биз нега пора берамиз?'' деган мақоласи босилган экан. Ўқиб, ''отангга раҳмат'' деб юборганман. Ичимдаги гапларни ёзибди. Рост, пора берамиз... Фақат, шунгача мажбур қилишганда, албатта...**

**ДИЛШОД, талаба: -- Ўзичи, агар порахўр қўлга тушдими, қайси лавозимда ишлашидан қатъий назар, унинг исми-фамилиясини тўлиқ ёзиб, расми билан матбуотда ошкор қилиш керак. Нега энди порахўр пора олишга андиша қилмайдию, биз унинг номини ошкор этишдан андиша қиламиз?.. Ўқув юртларидаги порахўрлик ҳақида гапирадиган бўлсам... бунда мен энг аввало, талабаларнинг ўзларини айблайман. Чунки, талаба дарсларга тўлиқ қатнашса, ҳар бир фанни яхши ўзлаштирса ҳамда талаба сифатидаги ҳуқуқ ва бурчларини билса, қайси бир домла мажбурлаб унинг пулини оларди...?**




Биз шу тарзда кўча-кўйда, олий ўқув юртларида, бозорда кўплаб фуқаролар, ёшлар билан суҳбатлашдик. Уларнинг фикр-мулоҳазаларини ўргандик. Кимдир бизга куюнчаклик билан ўзи гувоҳ бўлган воқеаларни гапириб берди. Кимдир эса барибир айтганларимни чиқармайсизлар дея, кетиб қолди... Яна кимлардир эса ''Оч қорним - тинч қулоғим'' дея жим туришни маъқул кўришди. Бугун барчамизни ўйлантираётган, қалбимизда оғриқ уйғотган бир масалани муҳокама қилиш давомида бизга билдирилган турфа хил фикрларни эшитиб, ўрганар эканмиз, кўнглимиздан шундай ўй кечди... Ҳали мактаб партасидаёқ ўқитувчисига ''совға'' бериб, физкультурани ''беш'' қилишни ўрганган ўқувчи, сессияга миясини эмас, чўнтагини тўлатиб келган талаба порахўрликка муносиб номзод бўлиб етишмайди, деб ким кафолат беради...?!

Хўш, ўқув юртларидаги порахўрликнинг илдизини буткул қуритмоқ учун нима қилмоқ керак?.. Албатта, ҳис этамиз, бу жуда оғир иш. Лекин, агар аёвсиз кураш олиб борилса, ҳар қандай иллатга ҳам қаттиқ зарба бериш мумкин...

Илм даргоҳларида дарс бераётган ҳар ўқитувчи домланинг ёш авлод, талабаларга дарс ўтишга нечоғлик қодир эканлигини текшириб кўриш, улар ҳақида тарқаган ҳар бир миш-мишга ҳам бефарқ бўлмаслик зарур. Чунки, ҳар бир узунқулоқ гапнинг тагида ҳам маълум маънода асос бўлиши мумкин...

Талабалар дарс жадвалига киритилган ҳар бир дарснинг, айниқса, мутахассисликдан ташқари дарслар қай даражада, қай савияда ўтилаётганлигини назорат қилиш керак.

**Сессия бошланаётир. Талабаларнинг сессияга қандай тайёргарлик кўраётганликларию, уни қандай ўтказишларини, ўз баҳоларини, рейтинг балларини қай тарзда олишларини ўрганмоқ керак. Талабалар билан сессиягача ва сессиядан сўнг суҳбатла-шиб, уларни тингламоқ, арзларига қулоқ тутмоқ мақса-дга мувофиқ бўлади. Имти- ҳон олиш жараёнида уни қандай ўтаётганини текширувчи энг илғор талабалардан иборат гуруҳлар тузилса. Илм даргоҳлари раҳбарияти, тегишли идоралар ўқитувчи-домлаларни имкон борича рағбатлантириб бориши, моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаши ҳам ўз самарасини беради.**

Биз бир суҳбатдошимизнинг ''Бари бир минг гапирган, ёзган билан фойдаси йўқ, бу иллатни йўқотиш қийин'' деган фикрига қўшилолмаймиз. Зеро, матбуот -- бу қудратли куч. Бу каби бонг уришлар, эл-юрт келажаги деб куюнадиган, ҳалол, пок қалб эгаларини, шу мустақил Ватанда яшайдиган одамларни ҳеч қачон бефарқ қолдирмайди...

**Хусан СУВОНОВ,**
**''Туркистон'' мухбири**

*"Пора берувчини ҳам, уни олувчини ҳам, иккисининг орасида турувчини ҳам Тангри лаънатласин''.*

*"Ҳадис''дан.*

# БАҲОНИНГ БАҲОСИ

Пора нима? Қардош турк тилида бу сўз ''пул'' маъносини беради. Бизда-чи? Ана шу пулни яширин ҳолатда берадиган, бирор ишингизни пайсалга солмасдан, муддатидан илгари ёки ўз вақтида тугатишда фойда келтириш учун ёрдам қиладиган турли-туман совға-салому, пул, буюмлар тушунилади.

Хўш, шундай экан, биз нима учун ҳамма биладиган ҳақиқатни ошкора тарзда амалга оширмаймиз, яъни берилажак порани очиқ-ойдин ''эгаси''га топширмаймиз. Ҳамма гап шунда. Чунки пора қонундан ташқаридаги муомалада бўлган маблағ ҳисобланади. Пора олувчи бизнинг тилимизда ''порахўр'' деб аталади. (Яхшиямки жамиятимизда порахўрларга нисбатан қўлланиладиган қонун мавжуд. Акс ҳолда юрт равнақининг олдинга силжиши қийин кечарди). Англадингизми, шунинг учун ҳам пора бериш очиқ-ойдин амалга оширилмайди.

Ҳайрон бўласан киши, биз қай бир қилмишимиз учун ва нима сабабдан пора берамиз?

**Бир танишимнинг гапидан:** Дадамнинг аҳволи оғирлашгач, касалхонага жойлаштирдик. Дўхтирлар менга шифо учун керакли бўлган барча дори-дармонларнинг рўйхатини беришди. Дориларни излаб, топиб бердим. Бироз кўнглим хотиржам бўлди. Ҳамма нарса бисёр, бироқ, аҳвол ўзгаравермади. Дадам ўзида ҳеч қандай ижобий ўзгариш сезмаётганлигини, унга на шифокор, на ҳамширалар етарли даражада аҳамият бермаётганлигини айтди. Ҳайрон қолиб, шифокорга учрашдим. Ундан эса, ''Тез кунда соғайиб кетадилар'' деган жавоб олдим. Сўнг, дадамнинг ён-атрофидагиларнинг бу борадаги фикрлари билан қизиқдим. Уларга нисбатан дўхтирлар-нинг муносабатини сўрадим. Дадамнинг хонадоши ўзининг тетиклашаётганлиги, соғлиғи яхшиланаётганини айтиб, шифокорни мақтади. Сабаби, ''юз бакс'' берган экан. Дастлаб бу сўзга тушунмадим, кейин билишимча бу юз доллар дегани экан... Шундан сўнг дадам соғайиб кетишларига чора топилди.

**Талаба дўстимнинг сўзидан:** Имтиҳонга тайёргарлик кўриб, катта ишонч билан уни топширгани хонага кирдим. Билет олдим. Ундаги барча саволларни яхши билганлигим сабабли жавоб беришга шайландим. Ўзимча, яхши жавоб бергандек бўлдим, агар домлам ҳақиқатпарвар бўлса, беш баҳо қўяди деб умид қилдим. Қўшимча саволларга тўлиқ жавоб бермаганим учун мени ''қуруқ'' чиқаришди. Бироқ, билет саволига ҳам етарли жавоб бермаган айрим курсдошларимнинг ўзига яраша баҳоларини олиб чиқишлари менга қаттиқ таъсир қилди. Ноқулай вазиятга тушганимни сезган талаба дўстим, ''рўйхатда бор эдингизми?'' деб сўраб қолди. Мен қандай рўйхат эканлигини суриштирдим. Маълум бўлдики, имтиҳон олиш учун курсбоши талабалардан келишиб пул йиғишган экан. Бундан менинг хабарим йўқ эди. Шу пайт домлага жавоб бераётганимда унинг журнал тагидаги талабалар фамилияси қайд этилган рўйхатга кўз югуртирганлиги эсимга тушди. Ўйлаб ўтирмасдан, аниқроғи, вақтимни қизғаниб, курсбошига мурожаат қилдиму, мени ҳам рўйхатга киргизишини ва шу бугуноқ имтиҳон олишим кераклигини айтдим. Бироқ, иккинчи марта ўзим эмас, синов дафтарчам имтиҳон топширди. Афсуски, домла бу фандан ўзим кутган баҳони эмас, балки унинг ўрнига семиз ''3'' баҳосини қўйиб беришибди.

Хуллас, билимсизлигим сабабли эмас, балки кўпчиликдан орқада қолмаслигим туфайли пора бердим. Ахир шуни бермаганимда домла барибир менга баҳомни қўйиб бермас эди-да...

Мана, юқорида содир бўлган икки хил воқеани сизларнинг ҳукмингизга ҳавола этдик. Биз нечун пора берамиз ўзи? Сиз ҳам пора берганмисиз, нима учун?

**Рўзибой АЗИМ**

# СОВҒАМИ, ЁКИ...

Ҳар йили имтиҳон мавсумида ғалати ўй-хаёллар гирдобида қоламан. Нега дейсизми? Ўшанда мактабда ўқирдик. Чет тили дарсларига сира хушим йўқ эди. ''Қониқарли'' баҳога зўр-базўр илинардим. Ўқув йили ҳам тугади, имтиҳон топшириш керак. Чет тили муаллимимиз билан муносабатим яхши эмас. Биламан, ўз билимим билан ўтолмайман. Уйдагиларга айтишга ор қиламан. Атрофдагилар муаллим билан очиқчасига гаплашишимни маслаҳат беришди. Эртасига бир кийим кўйлаклик, катта чиройли қутида ширинлик олиб келиб, ''қониқарли'' баҳоимни олдим. Энди бу ҳодиса ўзимга ғалати туюлади. Бир қарашда ёзишга ҳам арзимайдиган гаплар... Агар ўшанда чет тилини пухта ўрганганимда, ҳозир пул тўлаб ўқитувчима-ўқитувчи, курсма-курс югурмаган бўлардимми?.. Ўз билимсизлигимни ''пора'' ми ёки ''совға'' эвазига яширганимни сира кечиролмайман.

**Баҳодир ЎЛМАСОВ,**
**Тошкент Давлат автомобиль йўллари институти талабаси.**

# ҲУРМАТ НАРСАДАМИ?

Ўрта махсус билим юртида ўқийман. Ўқишларим ёмон эмас, танлаган соҳам ўзимга жуда ёқади. Ҳозир иккинчи курсни тугатиш арафасидамиз. Биласизми, яқинда курсдошларим, ҳатто илгари мен билан жуда самимий муносабатда бўлган ўртоқларим ҳам мени яккалаб қўйишди. Сабаби... Ўқув йили ниҳоясида раҳбар-муаллимга эсталик учун тилла буюм совға қилишмоқчи эди. У учун гуруҳимиздаги ҳар бир талабадан минг сўмдан йиғиб олишди. Мен эса келаси йили -- битирувчи курсда қимматбаҳо совға қилармиз, дедиму, балога қолдим. Ахир ўтган йили ҳам ўқитувчига шунга ўхшаш нарса берган эдик-да.

Ҳозир мен билан ҳеч ким гаплашмайди, номимни зиқнага чиқариб қўйишган. Балки мен ноҳақдирман? Наҳот, талабанинг муаллимга бўлган ҳурмати совғанинг нархи билан ўлчанса!..

**Дилдора МУСАЕВА,**
**Самарқанд**

*Бевафолар ўқимасин*

# МУҲАББАТ БОР ЭКАН, ДУНЁДА...

**Бу инсон билан хизматим тақозосига кўра учрашишга, суҳбатлашишга, тортишиш-у, баҳслашишга тўғри келади... Фикр алмашиш, маслаҳат олиш мумкин бу кишидан. Ногоҳ эҳтиётсизлик ёки қизиққонлик қилиб овозингизни баландлатсангиз ҳам вазминликка дуч келасиз. Бу вазминлик Сизни ҳам бир зумда меъёрига келтиради.**

**Лекин айтмоқчи бўлганим бу эмас. Ҳаммага ибрат қилиб кўрсатмоқчи бўлганим, ўзим ҳам ҳавас қилганим бу у кишидаги САДОҚАТ!**

САДОҚАТ... Шунда мен "Бунча оз севасиз, ёмон севасиз?" деб ўзини кул-кул этиб сева олган Марина Светаеванинг "Муҳаббат одамни бир эмас, минг этади" деган сўзларини эслайман. Дарҳақиқат, ёшлар даврасида бўлганимда, талаба сингилларим-укаларим билан суҳбат қурганимда "нега, ҳозир Лайли-Мажнун, Фарҳод-Ширин муҳаббати, садоқати йўқ?" дейишади.

Азиз укам, ой юзларингдан кўзларимни уза олмай қолган париваш синглим. Кел, бугун 4 боласи 4 отадан бўлган аёл ҳақида эмас, ёки ҳар куни кўринган қизга гул тутиб, уйида ранглари синиққан келинчакнинг бекам қоматли-ю, бир кам ақлли ёстиқдоши ҳақида гапирмайман. Мен бугун фақат сен яхши кўриб тилга олган, ҳавас қилган, асрлардан-асрларга номи сақланиб келинаётган Лайлию Мажнунлар, Фарҳоду Ширинлар мисол муҳаббатига содиқ қолган инсон ҳақида айтмоқчиман.

Абдурашид аканинг оилалари Иззатой опа тўсатдан, қизларининг туғилган кунларида ош дамлай туриб, йиқилди-ю, қайтиб турмади. Қушдай келиб, тушдай кетди... На бирор соат ётди, на бирор аъзосидан шикоят қилди. Дўхтирлар юрак инфаркти деб ташхис қўйишди.

17 йил бирга яшаган бўлсам, ҳеч юрагидан шикоят қилмас эди, ҳали-ҳануз ҳайрон Абдурашид ака.

Ўшанда Иззатой опа 38, Абдурашид ака 39 ёшда, болаларининг энг каттаси 14, кичиги 7 да эди. Оғир мусибат, айрилиқ зарбларига дош бериш қийин эди. Алп елкалар, тоғ юраклар ҳам бу дардларга дош беролмаганлигига гувоҳман. Абдурашид ака дош берди, енгиб чиқди. Енгганда ҳам на ўзига, на фарзандларига ва на ўтган ўша азиз руҳ хотирасига гард юқтирмай енгди...

Нима, севиб-севилиб турмуш қурганлар, сўнг айрилганлар, қайта турмуш қуриб юрганлар озми? Бир ўзининг ҳузур ҳаловатини, роҳат-фароғати деб энг яқинлари, жигарлари қалбини яралаганлар-чи? Борингки, ёстиқдошини "йилини" ўтказмай ёстиғини бутлаб олганлар-чи?

— Ким нима деса-десин-у, мен раҳматлини ҳеч кимга тенглаштира олмадим. Яна болаларим ўксинмасин дедим. Шу холос.

<u>**Укамга уй қураётган эдик. Шифер етмай қолди. Мен асабийлашдим. Ортиқча пул йўқ. Шунда Иззатой укамга қўлидаги узугини чиқариб бериб: "Акангизга билдирмай камингизни тўлдиринг укажон."**</u>



Ана шу хилдаги фидойиликлари ёдимга тушаверади-да...

Абдурашид ака хаёлга толади.

Мана айриликдан кейин ўн йил ўтди. Абдурашид ака ҳалиҳануз Иззатой опа хотирасини ардоқлаб келяптилар.

Яна Марина Светаевани эслайман. "Муҳаббат одамни бир эмас, минг этади". Бизда-чи, баъзан бировнинг биров билан узоқроқ ёки биз ўйлагандан кўра кўпроқ суҳбатлашиб турганини кўрсак, ўзимизча нималар ўйлаб чиқармаймиз-а?

Абдурашид ака фарзандларининг ўксинмаслиги учун ўзини мингга бўлиб яшаяпти. Бир мингта ташвишни кўтариб, бировга сездирмай юрипти, болаларининг онасини алмаштирмай яшаяпти. Мана 10 йилдирки, Иззатой опанинг ҳам руҳи сокин, шод.

Яқинда тўнғич ўғилларига келин туширишади. Бўшаб қолган остонани келиннинг файзли қадами, бахти тўлдиради. Абдурашид ака ўғлининг боши эгилмаслиги, қизларининг нозик кўнгиллари озор чекмаслиги... яна... яна... Иззатой опанинг руҳи шод бўлиши учун муҳаббатига гард юқтирмай келяпти.

Дарвоқе, бизнинг қадримизга етганларни, биз қадрлай олаяпмизми? Менинг Иззатой опага ҳавасим келади. Абдурашид аканинг юрагига ўчмас меҳр, тобора алангa олиб борувчи муҳаббат солиб кета олган, ҳеч кимга ўхшамайдиган Иззатой опага...

Фарҳод ва Ширинлар муҳаббат ҳамон борми, деб савол бериб, жавоб кутаётган ой синглим, қадди-бастингга ҳавас қилаётганим укам...

Муҳаббат бор экан-а?

Меҳр-оқибат устун экан-а?

Ана шундай одамлар орасида яшаш ҳам яхши...

**Комила КАРОМОВА**

*ДАРД*

# ТАНИМАГАННИ СИЙЛАМАС

Эндигина журналистика факультетини тугатиб, ишга жойлашиш ташвишида юрган эдим. Қайси эшикка борсам иш йўқ деган жавобга дуч келаман. Шундай кунларнинг бирида бир-иккита китоб чиқариб, танилиб кетаётган қишлоқдошимни кўчада учратиб қолдим. Табиийки, унга дардимни ёрдим. Фалон газетада жой бор, вақтни бой бермай боринг, мен ҳам қўнғироқ қилиб қўяман, —деди.

Эртасига оёғимни қўлга олиб таҳририятга бордим.

-- Газеталарингизда иш бор экан, дедим.

Бош муҳаррир масъул котибга, масъул котиб эса бош муҳаррирга маъноли қараб олишди-да:

-- Сизга нотўғри ахборот беришибди, бизда бўш ўрин йўқ,- дейишди.

Эндигина иш топдим деганда, уни ҳам кимдир илиб кетганидан ич-ичимдан куйиниб, чорасиз бир аҳволда изимга қайтдим. Йўлакка чиқишимни биламан, орқамдан масъул котиб чақирди. Бир четга тортиб:

-- Сизни мабодо фалончи ака юбормаганмиди,—деб сўради. Мендан тасдиқ жавобини олгач хонасига таклиф қилди-да:

-- Танимасни сийламас дейдилар. Келган заҳотингизданоқ шундай деб айтмайсизми? Биз айнан сизни кутиб ўтирган эдик. Эртадан келиб аризангизни ёзиб, ишга жойлашаверинг,- деди.

Аммо аввалига менга бўш ўрин йўқ деб совуқ қаршилагани, кейин эса бутунлай бошқа қиёфада манзират қилишларини сира ҳазм қилолмадим. Журналистика бу адолат учун, софлик учун кураш майдони деб билардим. Эртасига ҳам, индинига ҳам, умуман бу газета остонасига иккинчи бор қадам босмадим. Машаққат билан бўлса ҳам таниш-билишсиз ишга жойлашдим. Таниш-билишчилик ҳақида сўз борса, кўнглимга жуда оғир ботган ўша воқеа ёдимга тушаверади.

Жамият тараққиётини орқага тортаётган куч нима деса, мен шак-шубҳасиз таниш-билиш орқасидан мансаб эгаллайдиган, қўлидан келса-келмаса ўрин талашадиган одамлар деган бўлар эдим. Улар мевали дарахтларга соя ташлаб, уларнинг томирига келадиган сувни симириб, қуритиб қўядиган мевасиз дарахтга ўхшайди.

70-80- йилларда олий ўқув юртига кирувчиларнинг кўпчилигини бир оғиз сўз билан талаба бўлиб қолганлар ташкил этарди. Бунинг оқибатида эса қанчадан-қанча саводсиз, уқувсиз, қобилиятсиз мутахассислар пайдо бўлди.

Биз советларнинг алдов, риё замонидан назаримда кўп қабиҳ одатларни мерос қилиб олдик. Сурункали касалликдек ҳамон биз бу дардлардан фориғ бўлиб кета олмаяпмиз.

Ўтган йили қишлоққа борганимда бир танишим менга ҳасрат қилиб қолди:

-- Ҳовлини, мол-ҳолни сотаманда, етмаганига қарз кўтарсам ҳам Тошкентдан уй олиб ўша ёқларда яшайман. Бу ерда мен кимман, ҳеч ким эмасман. Раиснинг укаси ё ҳокимнинг бир узоқроқ таниши бўлганимда, кўрардинг бу ерда мендан қўли узун одам бўлмасди. Менинг билимим ҳам, фидойилигим ҳам ҳеч кимга керак эмас экан. Қаерга бормай, бош суқмай таниш-билишчилик, тўяр бўлсам тўйиб бўлдим бу ғалвалардан...

Танишимнинг бу гаплари шунчаки ҳасрат эмас, балки аччиқ ҳақиқат. Вақт ўтиши билан таниш-билишчилик аталган дарднинг ҳам даъвоси топилар. Аммо, у бор экан ҳар лаҳзада дард устига чипқонлар орта боради. Келинг, бир зум хаёлга эрк берайлик. Бояги таниш-билишчиликдан ҳасрат қилган одам Тошкентга кўчиб ҳам келсин-у, иши ҳам юришиб кетсин. Яъни бу муаммони ўзича шундай ҳал қилсин. Афсуски, масалани бошқачароқ, таниш-билишчиликка қарши аниқ кураш йўли билан ҳал қиладиган мард кам топилади. Шундай экан, ўз-ўзидан қишлоқдан адолат излаб, шаҳарга йўл оладиган одамлар, айниқса, ёшлар сони кундан кунга ортиб боради. Биз эса ёшлар қишлоқдан шаҳарга қочади, деб уларни айблаймиз.

Мен ҳам асли самарқандликман. 80- йилларда Тошкент олий ўқув юртларида ўқиган кўплаб ҳамқишлоқларим каби бу ерда қолиб кетдим. Қишлоққа, туманга бориб таниш-билишсиз ишга жойлашиш қийин эдида. Лекин бугун ҳам аҳвол тубдан ўзгарган, таниш-билишчилик барҳам топган деб айтолмаймиз...

**Ҳ.ОЛИМЖОНОВА**

# СЕВГИ ЖАРИМАСИ

"Бир куни мактабдан келаётганимда тасодифан машина уриб кетиб, шифохонага тушиб қолдим. Узоқ даволандим. Ўшанда олдимга чамаси қирқ ёшларга борган бир аёл келди. Уни узоқ қариндошларимиздан бўлса керак, деб ўйладим. Бироқ аёлнинг айтишича, у менинг онам экан.

-- Гапларингиз ёлғон, менинг онам уйда,- дедим.

Ўшанда аёл йиғлаб юборди. У кўзларидан оқаётган шашқатор ёшларни рўмолча билан артиб:

-- Жон қизим, ишонгин. Ахир мен ўн беш йилдан бери бор ҳақиқатни яшириб, ичимда сақлаб юрдим. Етар, энди бошқа чидай олмайман. Сен ҳам бор ҳақиқатни ва ҳақиқий ота-онанг кимлигини билишинг керак,- дея бошидан ўтганларни сўзлай бошлади:

-- Отанг билан илк бор танишганимда ўн етти ёшда эдим. Ўшанда эндигина мактабни тугатиб, Чирчиқдаги тиббиёт билим юртига ўқишга киргандим. Бир куни ўқишга кечикиб, дуч келган машинага қўл кўтара бошладим. Ниҳоят бир оқ "Жигули" тўхтади. Ҳайдовчига ўқишга кечикаётганимни айтдим. Бироз юрганимиздан сўнг у менга:

-- Сиз тиббиёт билим юртида ўқийсиз-а?,- деди.

Шу баҳона Аловиддин билан танишиб қолдим.

У билан тез-тез учрашиб турадиган бўлдик. Бир куни ўқишдан қайтаётганимда Аловиддинни кўриб қолдим. Унга ишонганим учун машинасига чиқдим. У машинасини ҳеч кимса йўқ хилватгоҳ тўқайга олиб бориб тўхтатди. Ўша кеча биз тўқайзорда қолиб кетдик.

-- Энди нима қиламан? Уйимиздагилар билиб қолишса, мени ўлдиришади,— дея ўксиб-ўксиб йиғладим.

-- Матлубахон, сиз бу ёғидан хотиржам бўлинг. У ёқбу ёғингизни тузатиб олинг. Бу воқеа ҳақида ҳеч кимга оғиз очманг. Мен тез кунда уйингизга совчилар юбораман, - дея тасалли берди у. Орадан ўн кун ўтар-ўтмас совчилар келишди. Лекин онам билан отам қизимни шаҳарга бермаймиз деб, совчиларни қуруқ қайтаришди. Совчилар сўнгги бор келишганида отам уларни олдига солиб ҳайдади. Кўп ўтмай Аловиддин автомобиль ҳалокатига учраб, вафот этганлиги ҳақида нохуш хабарни эшитдим.

Аловиддин акамнинг ўлимидан тўққиз ой ўтгандан сўнг тун қоронғусида мени тўлғоқ тутди. Уйдагилар ҳеч кимга билдирмаслик учун зудлик билан мени машинада туман туғруқхонасига олиб боришди. Ўша ерда сен туғилдинг. Отам билан онам қишлоқда шармандa бўлмайлик деб сени туғруқхонада қолдиришди. Аммо мен уйдагилар билан узоқ яшай олмадим. Кечалари ётсам сен ва отанг кўз олдимга келавердинглар. Бир куни излаб борсам, сени мен танийдиган бир одамга бериб юборишган экан. Бахтсиз бир оиланинг уйини тўлдираётганингни эшитиб хурсанд бўлдим. Чунки сени ҳеч қаерга олиб кетолмасдим. Ўша куни қишлоққа қайтиб бормадим. Ҳозир шаҳарда яшаяпман. Ўзим билан ишлайдиган врачга турмушга чиқдим. Икки ўғил, икки қизим бор. Майли, қизим, менинг айтганларимга хоҳ ишон, хоҳ ишонма, бу ўзингга ҳавола. Сенга бор ҳақиқатни айтдим холос.

У шундай дея йиғлаб чиқиб кетди. Бошқа қайтиб келмади. Кўп ўтмай шифохонадан чиқдим. Уйдагиларга бор гапни оқизмай-томизмай гапириб бердим. Отам "Ҳа, сен етимчани туғруқхонадан олиб келиб тарбия қилдик. Энди бир парча этлигингда ташлаб кетган харомини она деяпсанми?" дея мени роса калтаклади. Ҳар сўзида "Сен етимчани эрга бериб қуритаман", дегани-деган.

Яқинда отам "жияним Меҳриддинга турмушга чиқасан, дея зўрладилар. Мен эса йўқ дея туриб олдим. Отам мени яна дўппослади..."

Мана Гулноранинг ҳам умр ҳикоясини тингладингиз. Сезиб турибман, ёзганларини ўқиб, сизда унга нисбатан меҳрибонлик, жилла қурса, унинг озор етган кўнглини кўтариб, ёрдам бериш истаги туғилди. Лекин кошки эди, сиз-у бизларнинг кўмагимиз билан унинг жароҳатланган мурғак қалбини даволашнинг иложи бўлса?!

**Латифжон МАНСУРОВ,**
**Юқори Чирчиқ тумани,**
**Кавардон қишлоғи**

# “ЗЎРАКИ ТАБИБ” САҲНАДА

*томоша*

Йўлдош Охунбобоев номидаги республика ёш томошабинлар театри жамоаси Мольернинг “Учар табиб” комедиясини саҳнага қўйди. Асарни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Давлат мукофоти лаурети Олимжон Салимов саҳналаштирган. "Учар табиб" кўпчилик томошабинлар диққатини ўзига тортди.

Таниқли драматург Шароф Бошбеков машҳур француз адиби Мольернинг “Зўраки табиб” комедияси сюжетини сақлаб қолган ҳолда воқеаларга миллий руҳ беган, уни ўзбек ёш томошабинлари қалбига тезроқ ва тушунарли қилиб етказиш мақсадида қатор бадиий ва саҳна воситаларидан фойдаланган. Асарда бойликка муккасидан кетган ота қизини қари, аммо бой-бадавлат куёвга беришни истайди. Боиси чолнинг вафотидан сўнг барча бойлик қизига ўтади. Қиз эса ўзга йигитга кўнгил қўйган. Ёшларнинг самимий ва эҳтиросли муҳаббатидан хабардор бўлган қизнинг холаваччаси ёшларга ёрдам бериш учун бир ҳийла ўйлаб топади. Спектаклда ана шу ҳийла воқеалар ривожига туртки бўлиб, асардаги барча персонажлар бу воқеанинг ечимига хизмат қилади.

Асардаги ота образини актёр Х.Тошпўлатов яратган. Унинг ижросида ўта меҳрибон, ишонувчан, фарзандини бой куёвга бериб, унинг давлатини қизига ўтказиш орзусида ёниб, ҳаракат қилувчи ота образи берилган.

Актёр Хайитали Низомиддинов ижро этган Куёв спектаклнинг энг муваффақиятли образларидан дейиш мумкин. Ёшини яшаб, ошини ошаган, кўзи хиралашиб, қулоғи оғирлашиб қолган бу қариянинг ёшгина қизга уйланиш нияти томошабиннинг ғашини келтирса, бўлажак турмуш ўртоғининг рашки саҳналари самимий кулги уйғотади. Куёвнинг ҳар бир сўзи ва ҳаракатлари устида пухта ишланган. Ижродаги ана шундай маҳорат, самимийлик, табиийлик, жонлилик қиз (актриса Ф.Умарова) ҳамда йигит (актёр А.Қодиров)лар ижросига ҳам кўчса, театр жамоаси ютуғи тўкис бўлар эди. Зеро, муҳаббат ато қиладиган куч-қудрат бу образлар сиймосида ҳали ўз талқинини топмаганлиги сезилади.

Рассом Шуҳрат Абдумаликовнинг миллий руҳдаги образлари, бастакор Анвар Эргашев яратган куй, режиссёр фикр-хаёллари актёрлар ижросида ўз ечимини топган. Бу эса тўрт аср илгари Францияда яратилиб, ўшандан бери дунёнинг турли мамлакатларида саҳнага қўйилиб, қанчадан қанча халқларни кулдириб, ўйлашга мажбур қилган бу асарни ўзбек ёш томошабинлари қалбига ҳам яқин ва тушунарли бўлишига ёрдам берган.

**Дилфуза РАҲМАТУЛЛАЕВА,**
**санъатшунослик фанлари номзоди**

# ОЗОДАЛИК ХУСУСИДА

**Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!**

Ислом дини инсониятни покизаликка чақиради. Шариатимиз аҳкомларида бадани, кийими, жойнамози покиза бўлмаган кишининг қиладиган ибодати ҳам дуруст бўлмайди, дейилади. Поклик инсон зеҳнини ва иродасини мустаҳкамлайди, табиатини равшан қилади. Бу борада Сарвари олам Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом марҳамат қилиб: **“Аллоҳ таоло барча нуқсонлардан муназзах ва бенуқсон нарсаларни дўст тутадир. Унинг ўзи пок ва покизаликни хуш кўрадур. Унинг карами кенг, саҳовати чексиз, саҳоватли бандаларни дўст тутар. Шунинг учун ҳам Эй умматим, хонадонингиз ва унинг атрофларини озода ва саришта тутинглар!”** -- деганлар.

Ислом дини таълимотига кўра инсон энг аввало, қалбини соф ва пок тутмоқлиги лозим. Шуни эсдан чиқармаслик кераккки, зоҳирий, яъни ташқи покизаликни ҳам қалбга таъсири бўлади. Шу сабабдан Он ҳазратлари ўз умматларининг кийимлари, аъзои-баданлари, уй жиҳозлари, турар жой ва ҳовли саҳнларини озода ва покиза тутишга буюрар эдилар. Шунингдек, муқаддас динимиз ҳам яшаётган жойларимизни тоза ва озода бўлиши, ичимлик сувимизнинг беғубор, ўзимизнинг эса маънавий ва руҳий покиза юришимизга буюради.

Асрлар бўйлаб мусулмонлар ариқ, дарё ва денгиз сувларини покиза сақлашни ўзларининг бурчлари деб билиб келганлар.

Ҳозирги кунда эса айниқса, озодалик ва покизалик қоидаларига риоя этиш яна ҳам заруррoқ ва муҳимроқ иш бўлиб қолди.

Бундай тозалик ва озодалик тадбирларини ишлаб чиқиш, нафақат бир неча масъул кишиларнинг, балки барча эътиқоди бутун, соф ниятли, имонли инсонларнинг вазифаларига киради. Чунки Пайғамбаримиз САВ ўз ҳадисларида: **“Покизалик ва поклик -- имоннинг ярмига тенг келадур”** -- деб айтган бўлсалар, иккинчи бир ҳадиси шарифда эса, **“Назофат -- чин имон аломатларидандир”**, -- дейдилар.

Бир куни жаноб Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳузурларига бир аъробий келди. Унинг аҳволига қарасалар, баданлариқ кир, кийимлари ифлос, ёқасини ёғи чиқиб кетган, шунда Он ҳазратлари ундан:

-- Бисотингда нималаринг бор? -- деб сўрадилар.

-- Ўн бешта қўйим, беш-олтита сигирим бор, -- деб жавоб берди аъробий.

Жаноб Пайғамбаримиз унга танбеҳ бериб дедилар:

-- Аллоҳ таоло сенга шунча бойлик ато қилиб қўйган экан, нега бу неъматдан ўзинг учун фойдаланмайсан? Қўйларингдан бир-иккитасини сотиб, пулига кийим-кечак олсанг бўлмайдими?

**Азиз муштарийлар! Яратган барчаларимизнинг зоҳиримизни-ю, ботинимизни мусаффо ва пок қилган ҳолда умр кечириб, она-Ватанимизнинг табиатини асрашдек умуминсоний бурчларимизни шараф билан адо этишда барча фидоий кишиларга улкан ажру савоблар берсин.**

**Ҳожи Абдураззоқ ЮНУС,**
**Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг ўринбосари**



*Шивирлайди барглар дарахтга сирин...*

# 2025 ЙИЛДА ҚАНЧА ЯШАЙСИЗ?

*Сирли дунё*

**Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг йиллик ҳисоботида қайд этилишича бутун дунё бўйича ўртача умр кўриш кўрсаткичи борган сайин ортмоқда.** Давлатлар ўртасида бу кўрсаткичнинг энг юқориси Исландия, Италия, Япония ва Швейцарияда -- 81 ёш эканлиги аниқланди. Ташкилотнинг 191 давлатда олиб борган тадқиқоти натижасига кўра, ўртача умр кўриш 69 йилга тенг бўлган Туркияда бу сон 2025 йилга бориб 75 га кўтарилади.

Мутахассисларнинг фикрича, дунё аҳолиси ҳар йили 80 миллион кишига ортади. Ўртача умр кўриш кўрсаткичининг энг баланд бўлиши кутилаётган 2025 йилга бориб, Ер юзида 8 миллиард аҳоли яшайди.

Қуйида Ер юзи бўйича бир соатда туғилиш, ўлим ва аҳоли ортиши жадвалларда тасвирланган.

**Бир соатда туғилиш (минг киши ҳисобида)**

1955 йилда -- 11,5
1975 йилда -- 13,8
1995 йилда -- 15,1
2025 йилда -- 15,5

**Бир соатда ўлим (минг киши ҳисобида)**

1955 йилда -- 5,8
1975 йилда -- 5,3
1995 йилда -- 5,9
2025 йилда -- 7,5

**Бир соатда ортиш (минг киши) ҳисобида**

1955 йилда -- 5,7
1975 йилда -- 8,5
1995 йилда -- 9,2
2025 йилда -- 8,0

**Шерзод тайёрлади**

# ЭЙНШТЕЙН СЕВГАН АЁЛ

*Қизиқарли*

Буюк олим Альберт Эйнштейн АҚШда яшаган пайтида Америка ядро қуролини яратиш лойиҳаси сирини билиш ниятида юрган совет разведкачиси Коненкова билан яқин алоқада бўлган экан.

Альберт Эйнштейн билан Маргарита Коненкова ўртасидаги ишқий мактублар бу алоқанинг ёрқин далилидир. Мазкур мактублар шу йилнинг 26 июнь куни “Сотби” ким ошди савдоси салонида намойиш этилади.

Эйнштейннинг 1945-1946 йилларда ёзган ишқий мактубларини савдога буюк рус ҳайкалтароши Сергей Коненковнинг рафиқаси бўлган Маргаританинг ўз номини пинҳон тутаётган қариндоши қўймоқда. Мактублар немисча нафис ҳуснихат билан ёзилган бўлиб, экспертларнинг фикрича, у шубҳасиз буюк физик қаламига мансубдир. Совет разведкачиси Павел Судоплатовнинг ёзишига қараганда, Маргарита Коненкова Лукас лақаби остида махсус топшириқларни бажариш билан шуғулланган. Унга Америка ядро қуролини ишлатиш билан машғул бўлган олимларга таъсир ўтказиш вазифаси юклатилган эди. Маълумотларга қараганда Маргарита Эйнштейнни Нью-Йоркдаги совет вице-консули Павел Михайлов билан учраштириши керак эди. Бу топшириқ муваффақиятли уддаланган бўлса керак. Чунки Эйнштейн ўз мактубларида вице-консулни эслатиб ўтган.

*Ғийбатлар*

Айни пайтда америкалик экспертларнинг таъкидлашларича Эйнштейннинг собиқ совет иттифоқига қандайдир ёрдам кўрсатгани даргумон. Зеро, у Американинг ядро лойиҳасига жалб қилинмаган эди.

**Хориж хабарлари асосида БАХТИЁР тайёрлади**

